

КИЧИК ЧАНОҚ АЪЗОЛАРИ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИДА АЁЛЛАР ИММУН ТИЗИМИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Мустафаева Ф.А.

Бухоро давлат тиббиёт институти

Мақсад

Кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касаллиги аёллар иммун тизими кўрсаткичларини ўрганиш, унинг натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Материал ва усуллар

Бухоро вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида яшовчи аёллар тадқиқотларга жалб қилинди. Улар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказ Бухоро филиалида ва поликлиникада даволанганлар бўлди.

Аниқланишича Т-лимфоцитлар камайиши бемор аёллар иммун тизимида Т-иммунодефицит ривожланганлигини кўрсатди; CD4+-хужайраларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишонарли пасайиши ва CD8+-хужайраларнинг ишонарли равишда кўпайиши иммун тизими фаолиятида сезиларли зўриқиш борлигидан далолат берди. CD25+- ва CD95+-хужайралар нисбий ва мутлоқ миқдорлари турли йўналишларда ўзгарди. CD16+-хужайралар ўртача миқдори 1,93-2,02 мартага ишонарли ошиши ушбу хужайраларнинг иммун жавобда ўрни катталигини кўрсатди. КЧАЯК ташҳисланган аёлларда CD38+-ва CD23+-хужайралар нисбий ва мутлоқ миқдорлари назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ишонарли юқори бўлди, ушбу тафовут нисбий миқдорларда 1,27 ва 1,86 мартага, мутлоқ параметрлар бўйича 1,21 ва 1,78 мартага тенг бўлди.

Бемор аёлларга қуйидаги клиник ташҳислар қўйилган: икки томонлама ўткир сальпингоофорит (36,3%, n=37); икки томонлама ўткир сальпингит (17,6%, n=18); ўнг томонлама ўткир сальпингоофорит (15,7%, n=16); ўнг томонлама ўткир сальпингит (8,8%, n=9); чап томонлама ўткир сальпингоофорит (10,8%, n=11); чап томонлама сальпингит (10,8%, n=11).

Тадқиқот давомида олинган натижалар шуни кўрсатдики, КЧАЯК билан касалланган аёллар қонида лейкоцитларнинг умумий сони назорат гуруҳидаги соғлом аёллардан олинган маълумотларга нисбатан 1,19 марта кўп бўлди (1-жадвал).

1-жадвал КЧАЯК билан оғриган аёлларда иммунологик параметрларнинг қиёсий кўрсаткичлари, M±m

Кўрсаткичлар	Назорат, n=15	КЧАЯК, n=102
Лейкоцитлар, 10 ⁹ /л	5952±61	7071±107*↑
Лимфоцитлар, %	29,86±1,07	24,05±1,08*↓
Лимфоцитлар, 1 мклконда	1777±65	1701±116↔
CD3+-хужайралар, %	61,42±1,35	46,20±0,39*↓

CD3+-хужайралар, 1 мклқонда	1091±88	786±45*↓
CD4+-хужайралар, %	30,56±0,60	28,32±0,41*↓
CD4+-хужайралар, 1 мклқонда	543±39	482±48↔
CD8+-хужайралар, %	22,39±0,78	25,34±0,38*↑
CD8+-хужайралар, 1 мклқонда	398±51	431±44*↑
ИРИ, бирлик	1,36±0,01	1,12±0,01↓
CD71+-хужайралар, %	21,43±1,13	25,95±0,82*↑
CD71+-хужайралар, 1 мклқонда	381±73	441±95↔

Эслатма: * - назоратгуруҳимаълумотларига нисбатан фарқлари шончилиги; ↑, ↓ - назоратгуруҳи нисбатан ўзгаришлар йўналиши; ↔ - ишончиликлар мавжуд эмас.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, бемор аёлларда лимфоцитлар нисбий миқдори назорат гуруҳидаги маълумотларга нисбатан 1,24 мартага камайди ($P < 0,05$). Юзасида CD3+-хужайралар маркёрларини ташувчи лимфоцитларнинг нисбий ва мутлоқ миқдорининг ўрганилиши, улар назорат гуруҳидаги маълумотларга нисбатан ишончли ўзгарганлигини кўрсатди ($P < 0,05$). CD3+-хужайраларнинг нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 1,33 ва 1,39 марта камайди ($P < 0,05$).

КЧАЯК кузатилган бемор аёлларда CD4+-хужайраларнинг нисбий миқдори кам даражада, лекин назорат гуруҳининг маълумотларига нисбатан ишончли, 1,08 мартага камайди ($P < 0,05$). Лекин таққосланаётган гуруҳлар ўртасида бу хужайралар мутлоқ кўрсаткичлари бўйича ишончли фарқ аниқланмади ($P > 0,05$).

T-хелпер/индукторлардан (CD4+-хужайралар) фарқли равишда T-супрессорлар/цитотоксик лимфоцитлар (CD8+-хужайралар) ҳам нисбий, ҳам мутлоқ кўрсаткичлари бирдек ишончли ошди ($P < 0,05$). Беморларда нисбий кўрсаткичлар ишончли ўсиш 1,13 мартани ва мутлоқ маълумотларга нисбатан 1,08 мартани ташкил этди. Бизнинг ҳолатимизда бемор аёлларда ИРИ 1,12±0,01 бирликка тенг бўлган бўлса, назорат гуруҳига киритилган соғлом аёлларда бу кўрсаткич 1,36±0,01 бирликка тенг бўлди ($P < 0,001$). ИРИ нинг бемор аёлларда соғломларга нисбатан 1,21 марта камайганлиги иммун тизимида йирингли-яллиғланиш жараёни натижасида функционал зўриқиш борлигини билдирувчи мезон эканлигини кўрсатди.